

ЎЗБЕГИМ ЗУЛФИЯСИ

Мухамеджанова Муниса Анваровна

Тошкент вилояти Қибрай тумани

11- сонли умумтаълим мактаби она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси

Аннотация: Зулфиянинг илк шеърлари ўзининг ҳаётбахш руҳи билан китобхонларни ўзига жалб этди. У иккинчи жаҳон уруши арафасида таниқли шоирлар қаторидан ўрин олган эди. Зулфия урушдан кейинги йилларда тинч ижодий меҳнатда кишиларнинг матонати ва қаҳрамонлигининг юксак намуналарини кўрсатаётган замондошлари ҳақида, тинчлик ва дўстлик ҳақида китобхонларга манзур бўлган ажойиб шеърлар яратди.

Калит сўзи: мамлакат, тил, матонат

Зулфия Исроилова 1915 йил 1 мартда Тошкентда ҳунарманд-дегрес оиласида туғилган. Отаси заҳматкаш темирчи эди, онаси Хадича опа эса жуда кўп кўшиқ, эртак, афсона ва дostonларни билар ва болаларга айтиб берарди. 1928 йилда бошланғич мактабни тугаллаб, Тошкент хотин-қизлар педагогика билим юртига ўқишга кирди. Ана шу йиллардан бошлаб, Зулфиянинг адабиётга бўлган қизиқиши кучайди. Навоий, Пушкин, Абдулла Қодирий, Ғайратий асарларини, Уйғун ва Ҳамид Олимжон каби ёзувчи шоирларнинг ижодини қизиқиб кузатди. Ўқиш ва ўрганиш ўз навбатида унинг қўлига қалам олишга илҳомлантирди. Шу тариқа бадиий истеъдоди намоён бўла бошлади. 1930 йилдан бошлаб “Ишчи”, “Туркистон” газеталари, “Болалар”, “Янги йўл” журналларида ёш шоиранинг дастлабки шеърлари кўринади. 1932 йилда ўн саккиз ёшли шоиранинг биринчи шеърлар тўплами- “Ҳаёт varaқлари” босилиб чиқади. Зулфия доимо изланишда, ўқишда ўз ижодини янада серқиррали бўлиши учун сидқидилдан ҳаракат қилди. 1933 йилда Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтида таҳсил олди. 1935-1938 йилларда эса А. С. Пушкин номидаги тил ва адабиёт илмий текшириш институтида аспирантурада ўқийди. 1938-1940 йилларда Республика

болалар ва ёшлар адабиёти нашриётида муҳаррир бўлиб ишлайди. Зулфиянинг илк шеърлари ўзининг ҳаётбахш руҳи билан китобхонларни ўзига жалб этди. У иккинчи жаҳон уруши арафасида таниқли шоирлар қаторидан ўрин олган эди. Зулфия урушдан кейинги йилларда тинч ижодий меҳнатда кишиларнинг матонати ва қаҳрамонлигининг юксак намуналарини кўрсатаётган замондошлари ҳақида, тинчлик ва дўстлик ҳақида китобхонларга манзур бўлган ажойиб шеърлар яратди. Шоиранинг “Хулқар” (1947), “Мен тонгни куйлайман” (1950), “Дугоналар билан суҳбат” (1953) каби тўпламларидаги шеърларида ўзбек қизи – Зулфиянинг овози она қалбини, аёл назокатини, инсон орзусини куйлаган оташин шеърлари фақат Ўзбекистондагина эмас, бутун Осиё ва Африка мамлакатларида ҳам китобхонлар диққатини жалб қилди. Ўзбекистон халқ шоираси, таниқли жамоат ва давлат арбоби Зулфия, хорижий мамлакат тараққийпарвар ёзувчилари ва давлат арбобларининг меҳмони сифатида жуда кўп мамлакатларда бўлган эди. Ўзбек-ҳинд дўстлиги, Ўзбекистон Жамиятининг президенти сифатида ўзининг бутун ижоди ва ижтимоий фаолияти билан тинчлик ишига, халқларнинг дўстлиги ва биродарлиги ишига катта ҳисса қўшиб келган. Зулфия асарлари кўплаб чет тилларда, шунингдек, қардош туркий халқлар тилларида нашр этилган. Зулфия “Халқаро Жавоҳарлал Неру” (1968), “Нилуфар” (1971) мукофотлари ҳамда “Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти” (1970) лауреати, шунингдек, у Болгариянинг “Кирилл ва Мефодий” (1972) орденига сазовор бўлган. Зулфия А.С.Пушкин, М.Ю.Лермонтов, Н.А.Некрасов, М.Воҳиф, Л.Украинка, М.Дилбозий, С.Капутикян, Э. Огнетсвет, Мустай Карим, Амрита Притам, Е.Багряна ва бошқаларнинг асарларини ўзбек тилига таржима қилган. Зулфиянинг кудратли овози, майин ва меҳр тўла кўшиқлари, ўзбек хотин-қизларининг бахтиёр тақдирини, тинчликка ва озод меҳнатга ташна инсонларнинг орзуларини ифодалаган ҳароратли шеърлари ҳозирги кунда ҳам баланд янграмоқда. Ўзбекистон ҳукумати атоқли шоиранинг маданиятимиз тараққиётидаги катта хизматларини эътиборга олиб, Зулфия номидаги Давлат мукофотини таъсис этди. Тошкентдаги майдонлардан бирига Зулфия ҳайкали ўрнатилди, кўчалардан бирига эса Зулфия номи берилган. Биринчи Президентимиз И. Каримов айтганларидек,

Зулфия ижоди – миллионлаб кишиларга, муҳаббат ва садоқатдан сабоқ бермоқда, садоқат ва вафо рамзи бўлиб яшамоқда. Камалак етти рангда етмиш хил жилоланиб, барчани мафтун қилгандек, Зулфия тонгнинг ўзидай рост ва ёрқин ҳақиқатга йўғрилган поезияси билан (“Кечир, қолдим ғафлатда”, “Не балога этдинг мубтало”, “Баҳор келди сени сўроқлаб”, “Хотирам синиқлари” каби шеърларида садоқат ва вафо туйғусини – инсонийликнинг, комилликнинг бош мезони даражасига кўтарган. У болалар ва ўсмирлар учун ҳам кўплаб тўпламлар нашр эттирган. Атоқли шоира 81 ёшида, 1996 йил августда вафот этди.

Иккинчи Жаҳон уруши бошланганда, Зулфия ҳам ижодкорлар дўстлари сафида туриб урушнинг биринчи ойларидаёқ бири отасини, бири ўғлини, бири оға-инисини, бири севимли ёрини фронтга кузатиб, улар ўрнида кунни тунга улаб меҳнат қилаётган ўзбек аёлларининг лирик образини яратишга киришади. Шоиранинг 1942-йил кузида ёзилган “Ҳижрон“ сарлавҳали шеърида ҳижроннинг аччиқ дамларида орзу-умидини сўндирмаган ёш келин образини кўриш мумкин:

... Ёрим, севар ёрим жўнади жангга,
Менинг юрагимга тушди ҳижрон-доғ.
Мен севган дилдорнинг севган юрти бор,
Ишқ доим эрк учун ҳижронга рози.
Бу ҳижрон мангумас, висоли ҳам бор –
Қаҳратон қишларнинг бўлгандай ёзи.

Шоиранинг шоир Ҳамид Олимжон хотирасига бағишлаб яратган “Ҳаёт жилоси”, “Ўрик гуллаганда”, “Хаёллар”, “Соғиниш” ва бошқа тўпламларидан жой олган шеърлари туйғулар, фалсафий умумлашмалар ҳаётга муҳаббат руҳи билан суғорилган шеърлар туркумига киради.

Зулфия шеърлари

1944 йил турмуш ўртоғи Ҳамид Олимжон автоҳалокатда вафот этади. Шоиранинг шоир Ҳамид Олимжон хотирасига бағишлаб яратган “Ҳаёт жилоси”, “Ўрик гуллаганда”, “Хаёллар”, “Соғиниш” ва бошқа тўпламларидан жой олган шеърлари туйғулар, фалсафий умумлашмалар ҳаётга муҳаббат руҳи билан суғорилган шеърлар туркумига киради.

Зулфиянинг 1947 йилда ёзилган „Баҳор келди сени сўроқлаб“ шеъри инсоний муҳаббатни ҳаққоний тасвирловчи бадиий пишиқ, таъсир кучи ғоят ўткир шеър бўлиб, баҳор кечаларида лирик қаҳрамоннинг бедор қалбини қийнаётган ҳижрон нидосидир.

1950-йилларнинг ярмида Зулфия Осиё ва Африка ёзувчиларининг тинчлик ва халқаро бирдамлик шиори остида ўтган ҳаракатида фаол қатнашиб, кўплаб мамлакатларда бўлади. Ҳиндистон, Миср, Япония каби мамлакатларига қилган саёҳати шоирада чуқур из қолдиради. "Мушоира", "Ўғлим, сира бўлмайдими уруш", "Қозоғистон ўланлари", "Мен чизолмаган сурат" сингари шеърлари Зулфияга шуҳрат келтирди.

Мен ўтган умримга ачинмай қўйдим...

Ҳаёт китобимни беҳос варақлаб,
Мен ўтган умрга ачинмай қўйдим.
Табассум ўрнида кулдим чарақлаб,
Суйиш керак бўлса — телбача суйдим.

Кийганим ипакми, читми ё кимхоб,
Юрак бойлигидан қилмабман парво.
Мени оғушлаган ҳаёт нақ офтоб,
Янги қўшиқ талаб унда ҳар сабоҳ.

Мен ўтган умрга ачинмай қўйдим,
Ҳеч кимда кўрмайин умримга ўхшаш:
Суйдим,
Эркаландим,
Айрилдим,
Куйдим,
Иzzат нима — билдим.
Шу-да бир яшаш!..

Зулфия шеърларида тасвир этилаётган ҳаёт кўлами кенгайиб, ижодига хорижий халқлар ҳаёти манзаралари ҳам кириб келди. 70 йиллардан бошлаб унинг ижодидаги миллий ҳаёт тасвирида янги ранглар камалаги пайдо бўлди,

ҳаққонийлик ва ҳис-ҳаяжон кучайди. „Ўйлар“ (1965) шеърӣ гулдастаси билан бошланган воқеликни фалсафӣ идрок этиш тамойили „Висол“ (1972), „Йиллар, йиллар...“ (1975) шеърӣ китобларида давом этиб, шоира ижодида чинакам бадий юксалиш даври бошланганини намойиш этди. У яна дoston жанрига қайтиб, устоз Ойбекнинг сўнгги сафарига бағишланган "Қуёшли қалам" (1970) дostonини яратди. Шоира болаларга бағишланган "Лолақизғалдоқ", (1975) шеърлар туркумини ҳам ёзди. Зулфия 1968 йилда Ҳиндистоннинг Жавоҳарлал Неру, 1971 йилда халқаро "Нилуфар" ҳамда 1970 йилда Ҳамза номидаги Ўзбекистон давлат мукофоти соҳибаси бўлган. Шунингдек, Болгариянинг "Кирилл ва Мефодий" орденига сазовор бўлган. 2017 йилнинг 3 ноябр куни Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан атоқли ва истеъдодли шоирлар Ҳамид Олимжон ва Зулфиянинг хотирасини абадийлаштириш мақсадида Жиззах шаҳридаги 1902 йилда қурилган "Хўжа Нуриддин" мадрасаси қайта реконструкция қилиниб, Ҳамид Олимжон ва Зулфия музейи ташкил этилган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан вилоятда Ҳамид Олимжон ва Зулфия номидаги ижод мактаби яратилган. Бундан ташқари Ҳамид Олимжон ва Зулфия ҳаётига бағишлаб Ўзбекистон Кинематография агентлигининг буюртмасига биноан 2022 йилда "Муҳаббат баҳори" бадий фильми суратга олинган. Унда шоира образини актриса Шаҳноза Ҳожимуродова, Ҳамид Олимжон образини эса актёр Ҳамза Ҳасанов гавдалантирган.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат мукофотларидан бири. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Зулфия номидаги Давлат мукофотини таъсис этиш бўйича таклифларни қўллаб-қувватлаш тўғрисида" 1999 йил 10 июндаги фармонига биноан таъсис қилинган. Мукофот 25 ёшгача бўлган иқтидорли қизларга адабиёт, маданият, санъат, фан, таълим соҳаларидаги алоҳида ютуқлари учун берилади. Мукофот Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг икки нафар вакилларига бир йилда жами 28 та берилади. Пул мукофоти энг кам ойлик иш ҳақининг 50 баравари миқдорини ташкил этади. Зулфия номидаги давлат мукофоти соҳибалари бўлган мактаб, лицей, коллеж ўқувчилари танлаган йўналишлари бўйича олий ўқув юртларига имтиҳонсиз қабул қилинади.

Мукофот Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитасининг раиси раҳбарлик қиладиган комиссия хулосалари асосида Вазирлар Маҳкамаси қарори билан ҳар йили 8 март — Хотин-қизлар куни байрами арафасида тантанали равишда топширилади.

Адабиётлар рўйхати

1. Ш. Мирзиёев “Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси” Тошкент:- Ўзбекистон. 2022 й.
2. Тошкент энциклопедияси «Ўзбекистон Миллий энциклопедияси» Т.:- 2009 й.
3. Каримов Н., Баракаев Р. Тошкент шоирлари.- Тошкент.:-Фан.-2007 й.
4. Маматраимова Ҳ. Кутубхона ўлкашунослиги ва ўлкашунослик библиографияси: ўқув қўлланма.- Тошкент,:-Фан.- 2008 й.
5. Солижонов Й. Фарғона адиблари: адабий портретлари.- Фарғона.: Фарғона.-2005 й.